

ЁШЛИК-I (ДАЛЬНЕЕ) МИС-ПОРФИР КОНИДА МИС МАЪДАНЛАШУВИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдирахмонов Ҳабибжон Алишерович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
магистратура талабаси

Жонқобилов Зёдулла Шосаидов

АО “Ўзбек геология қидирув” Олмалиқ дала қидирув
экиспедицияси етакчи геолог

Инатов Элёр Қўлдош ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
магистратура талабаси

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда Давлат сиёситига кўтарилган геология қидирув ишларини жадаллаштириш, хусусан мис кластерини ташкиллаштириш каби катта қадамлар қўйилиши билан мис конларини ўрганишга янгича қарашлар, уларнинг геологик тузулишини янгича талқинда намоён қилиш мавзуси долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу мақолада бугунги кунда бутун жахонга машхур бўлган Омалиқ маъданли майдонидаги миснинг йирик конларидан бири Ёшлик-I кони кўриб чиқилган.

Калит сўзлар ва иборалар: мис порфир, Ёшлик-I, мис формациялари, фундамент жинслар, порфирсимон, томир-уюмли, уюмли-томир

Ёшлик-I (Дальнее) мис-порфир кони орографик жихатдан Қурама тоғ тизмасининг шимолий қияликларининг Олмалиқ маъданли майдонининг шимолий қисмида жойлашган. Маъмурий жихатдан Тошкент вилояти Пскент туманига қарашлидир. Мис порфир кони биринчи бор В.Р. Бутьева томонидан 1952-53 йилларда олиб борилган геологик қидирув ишлари давомида аниқланган. Бугунги кунда “Ўзбек геология қидирув” АЖ Олмалиқ ДГҚЭ томонидан кўшимча қидирув ишлари коннинг Қорабулоқ участкасида олиб борилмоқда.

Майдон тўлиқ лёсс жинслари билан қопланган бўлиб геологик тузулишини ўрганишда бурғилаш қудуқлари олинган маълумотларга таянилади. Лёссимон қоплама жинсларнинг остида палеозой асосига (фундаментига) киритиладиган сиенито-диоритлар жинслар ва уларни ёриб чиқувчи Олмалиқ туридаги

гранодиорит порфирлардан кузатилади ва майдоннинг геологик тузулишида асосий ташкил этувчилари ҳисобланади.

Сиенито-диоритлар майдоннинг аксар қисмини эгаллаб, мис-порфирли маъданлашувни қамровчиси сифатида кузатилади. Макроскопик жихатдан бу бир текис тарқалган донадор гоҳида порфирсимон, рангли кулрангдан қизғиш кулрангача рангдаги жинслар ҳисобланади. Сиенито-диоритлар плагиоклаздан, калий далашпатларидан, биотитдан ва шох алдамчиси (роговая обманка) камроқ пироксендан ва кварцдан ташкил топган призматик-донадор камроқ порсимон ва монцонитли структурадаги жинслардир. Қорамтир минераллар жинслардаги улуши 15-20% ни ташкил қилади. Порфирсимон ажралмалар асосан плагиоклаз, калийшпатлар ва гоҳида биотит ёки шох алдамчисидан ташкил топади.

Олмалиқ туридаги grano-диоритлар сиенито-диоритларни ёриб чиқади ва ер юзасига яқин жойларда кузатилмайди. Макроскопик жихатдан жинслар калийли дала шпатларининг фенокристалларидан ташкил топган майда, ўрта донадор оқиш кулрангдан қизғиш кулрангача рангдаги асосий қисмини плагиоклаз, кварц ташкил қилувчи жинслар ҳисобланади.

Майдондаги асосий структуралардан Қорабулоқ ва Қалмоқир йирик ер ёриқлари кузатилиб улар кенглик йўналишида майдоннинг мазкази ва шимолий қисмларидан кесиб ўтади ва уларнинг конни кесиб ўтиш чегарасига қараб 3 майда участкаларга, яъни Шимоли-Ғарбий Балиқчи, Марказий ва Қорабулоқ участкаларига ажратади. Бу участкаларнинг энг йириги Марказий учасикаси бўлиб, энг кичиги Қорабулоқ участкасидир.

Кондаги маъданлашув томирсимон-уюмли мис-олтин-молибденли формацияга мансубдир. Хусусан, маъданлашув маъдан қамровчи сиенито-диоритларнинг олмалиқ туридаги grano-диорит жинслар билан туташ қисмларида жорйлашади ва асосий штокверк морфологиясидаги маъданли танани ҳосил қилади. Маъданлар структура-текстуравий жихатдан томирли-уюмли ва уюм-томирли каби турларда намоён бўлади. Бу каби турлар ўзаро бир бири билан узвий боғлиқдир кескин ўтишлар ҳосил қилмайди. Асосан маъданлашувда томирли-уюмли тури кўпроқ (73%) кузатилади. Айрим машхур геологлар (Голованов, Алехина, 1969) учинчи турни ҳам ажратишади, яъни уюмли ва томирли алоҳида турларни ажратишади. Аммо умумий миқёсда бу турларни алоҳида тур сифатида ажратиш жуда мушкул сабаби уларни фазовий чегараларини кўрсатиб бўлмайди. Томир-уюмли тур жинсларда турли йўналишдаги ва қалинлиги 0.5-1мм дан 1-3см гача бўлган, таркиби кварц, кварц-ангидритли, ангидритли ва кварцангидритли томирлар кўринишида намоён бўлади. Томирларнинг таркибида маъданли минераллардан пирит, халькопирит, магнетит (штокверкнинг қўйи қисмларида), камроқ борнит каби минераллар

кузатилади. Бу тур асосан маъданлашувнинг марказий қисмларида аммо уюм-томирли тури эса пропилитизациялашган (калийшпатлашган, хлоритизациялашган, кварцлашган ва карбонатлашган зоналар) зоналарга тўғри келади.

Мис-порфир маъданлашувнинг фазовий жойлашувида юқори ёки кечки карбон даврига мансуб гранодиорит таркибли майда порфирсимон интрузиялар аҳамияти каттадир ва улар жойлашган зоналарда маъдашлашувнинг асосий аксар қисми жойлашади. Асосан уларнинг чет қисмлари ва ўзаро оралик қисмларида маъданлашув зоналари кузатилади ва бу жихат барча изланувчи геологлар томонидан такидлаб ўтилган.

Асосий жинс қамровчи юқори ёки кечки карбон даврига мансуб сиенито-диоритлар ва қисман қўйи ёки эрта карбон даврига мансуб кварц-порфирларнинг жинсларни ёриб киришида уларнинг ёриқларга бойлигини ошириши ҳисобига ва атроф жинслардаги бўшоқликни ошириши ҳисобига маъданли штокверк ёриқларга бой фазовий муҳитга жойлашган. Шунингдек маъданлашувда катта аҳамият касб қилган сиенито-диоритлар ҳам ҳисобланади, чунки улар гибрит ёки чатиш жинслар ҳисобланади ва таркибан юқори ишқорли монзонитли-сиенито-диорит таркибга тўғри келади ва бу ўз навбатида бу каби маъданлашув формациясига мос келади. Бу каби жинсларни гибрит ёки чатиш жинслар деб аталишига сабаб магматик жинслар томонидан доломит ва охактошларни емириб, ассимиляцияга ўтиб янги турдаги монзонитли-сиенито-диорит магматик жинсларни ҳосил бўлишига олиб келган (Голованов, 1971, Королев, 1970).

Бу каби жинслар табиатан таркибида мис унсурининг 5 кларкидаги миқдорини кузатиш мумкин (Голованов, 1971). Бу каби жинсларда, хусусан ўрганилаётган Ёшлик-I мис-порфир конида кузатилганидек мис-порфир маъданлашуви учун мутадил ҳисобланган эпидот-хлорит-карбонат-пиритли ўзгариш зоналари мавжуд бўлиб улар мис-порфир маъданлашуви учун жуда қулай шароит ҳисобланади ва асосий маъдандор зоналардан ҳисобланади. Аммо моно-кварц ва кварц-серицит-хлоритли фациялар мис маъданлашуви учун ноқулай ҳисобланади ва бу каби конларда ҳам шу ҳолат кузатила. Маъданлашувнинг чет ёки маъданлашувга камбағал зоналарида шу каби ўзгаришдаги метасоматоз фацияларида кузатилади.

Штокверкни қўйи қисмини яъни маъданлашувни тугаш қўйи қисмида Олмалиқ туридаги қизғиш-гранодиорит порфирлар кузатилади. Улар кесмада 1.2-1.5км чуқурликда гоҳида, хусусан Шимоли-Ғарбий Балиқчи участкасининг марказий қисмида ер юзасида кузатилади ва сиенито-диорит порфирлар билан структуравий чегарасида томирли маъданлашув жойлашади бу эса ўз навбатида мис-порфир маъданлашувнинг чегерасини беолигайди.

Шуни ҳам такидлаш жоизки маъдан қамровчи жинслардаги маъданли уюм-томирлар субкенглик йўналишига эга ва бу маъдан келтирувчи асосий 2 та структуравий йирик ер ёриқларнинг йўналиши билан бир хилдир.

Фойдаланилган адабиётлар: (REFERENCES)

1. А.Г. Павлов. Генетическая классификация месторождений;
2. Фонд маълумотлари